

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
Вилоят болалар  
Фтизиатрия сихатгохи  
рахбари Ж.Күшбоқов

“14” санындар 2022 йил

2022 йил Жиззах вилоят Фаллаорол тумани худудидаги Вилоят Соғлиқни Сақлаш Бошқармаси Вилоят болалар Фтизиатрия сихатгохига жихозлар харид қилиш мақсадида құйдаги ишларини амалга оширувчи етказиб берувчи ташкилотлари ўртасида ғолиб ташкилотларни аниқлаш учун танловларни ташкил этиш бүйича ўтказиладиган танловлар ва (ёки) тендерларга тайёргарлик күриш бүйича харид комиссиясининг дастлабки йиғилиш

### **БАЁННОМАСИ № 1**

Вилоят болалар Фтизиатрия сихатгохининг 2022 йил 30 Мартдаги 2022-220-3-45-TS-сонли буйрук билан тасдиқланган харид (танлов) комиссияси қуидаги таркибда қатнашдилар:

1.	М.Содиқова	-	Вилоят болалар Фтизиатрия сихатгохи, комиссия раиси.
<b>Комиссия аъзолари:</b>			
2.	Ү.Эргашев	-	Вилоят болалар Фтизиатрия сихатгохи
3.	Г.Қодирқулова	-	Вилоят болалар Фтизиатрия сихатгохи;
4.	Б.Абдукулов	-	Вилоят болалар Фтизиатрия сихатгохи;
5.	Ш.Бегимқулова	-	Вилоят болалар Фтизиатрия сихатгохи
<b>Комиссия котиби:</b>			
	Г.Ўрозбоева	-	Вилоят болалар Фтизиатрия сихатгохи.

#### **КУН ТАРТИБИДА :**

- Харид комиссияси иш тартибини (регламентини) белгилаб олиш;
- Танлов ва талабгорнинг малакасини аниқлаш ҳужжатларига, офертани жойлаш ва маркировка қилиш шарти ва талабларини күриб чиқыш ҳамда тасдиқлаш;
- Таклифларни техник ва молиявий баҳолаш мезонларини күриб чиқыш ва тасдиқлаш;
- Танловларда кўзда тутилган 1%лик закалат тўловларни белгиланган тартибда тўланишини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

#### **КУН ТАРТИБИГА ҚЎЙИЛГАН МАСАЛАЛАР ЙОЗАСИДАН СЎЗГА ЧИҚҚАНЛАР:**

**1.** Танлов комиссияси раиси М.Содиқова ўтказиладиган Танловларни белгиланган тартиб асосида қонуний ўтишини таъминлаш, Танлов ҳужжатлари талабларига мос равища пудратчи ташкилотларни танлаш, комиссия аъзолари томонидан маъкулланадиган ва буюртмачи томонидан 1-иловага мувофиқ тасдиқланадиган иш регламентига асосан ўтказиш мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтди.

**2.** Комиссия котиби Г.Ўрозбоева – талабгорларнинг малакасини аниқлаш ҳужжатларига, офертани жойлаш ва маркировка қилиш ҳолда бўлиши тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Танлов котиби Курилиш- таъмирлаш соҳасида танлов ўтказиш шартлари ва тартиботига риоя қилиш, ўтказиш, шартнома тузиш, ишлар (хизматлар) ни бажариш ва молиялаштириш жадвалларининг ижроси устидан мониторинг ўтказиш ва ислоҳотларни амалга ошириш бўйича Республика комиссиясининг 1-сонли мажлис баённомаси 2009 йил 6 февралдаги №05/23-16 сон қайд билан тасдиқлангани тўғрисида маълумот бериб ўтди. Ушбу тасдиқланган тартиботга кўра танловда умумий солик – КҶС тўловчиси ва Ягона солик тўловчиси қатнашган тақдирда – ғолиб буюртмачи томонидан аниқланган КҶС тўловисиз нарх асосида аниқланишини билдириб ўтди.

**3.** Танлов комиссияси раиси – М.Содиқова таклифларни техник ва молиявий баҳолаш мезонларини 2-иловага мувофиқ кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек ушбу объектлар бўйича бирлашган юридик шахслар (консорциум, ассоциациялар, ҳамкорлик ва бошқалар)нинг танловда иштирок этишига рухсат бермаслик тўғрисида таклиф билдириди. Шу билан бирга, ҳужжатларни техник ўрганиш баҳоланиши

натижалари бўйича танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаган оферентлар таклифларини рад этиш ва танловдан четлаштириш мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтди.

4. Комиссия аъзолари ушбу обьектлар бўйича таклифларни Фаллаорол тумани худудидаги Вилоят Соғлиқни Сақлаш Бошқармаси Вилоят болалар Фтизиатрия сихатгохи томонидан ташкил этиш *etender.uzex.uz* эълонлар оммавий ахборот воситаларида эълон чоп этилган кундан бошлаб **5 (беш)** иш кунидан кейин очилишини маъқулладилар.

Юқоридаги таклифларни танловлар жараёнларида қўллаш учун Харид комиссияси раиси харид комиссияси аъзолари ўртасида овозга қўйди, натижада:

Розилар	-	<b>5 та</b>
Каршилар	-	<b>Йўқ</b>
Бетарафлар	-	<b>Йўқ</b>

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб, харид комиссияси йиғилиши

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

- Харид комиссиясининг 1-иловага мувофиқ иш тартиби буюртмачига тасдиқлаш учун тавсия этилсин.
- Талабгорлар ҳужжатлари пакетларга жойлаштирилиши ва маркировка қилиниши, ушбу тартибда тақдим қилинмаган оферталар қабул қилинмаслиги, шу билан бир қаторда, Танлов ҳужжатларидағи танлов қатнашчилари учун йўриқномада талаб қилинган шарт ва талаблар тасдиқлансин.
- Талабгорлар таклифларини техник ва молиявий баҳолаш мезонлари 2-иловага асосан тасдиқлансин.
- Буюртмачи томонидан ушбу обьектлар бўйича бирлашган юридик шахслар (консорциум, ассоциациялар, ҳамкорлик ва бошқалар)нинг танловларида иштирок этишига рухсат бермаслик тўғрисида таклиф комиссия аъзолари томонидан маъқулланганлигини инобатга олиб, уларни иштирок этишига рухсат бермаслик таклифи тасдиқлансин.
- “Курилиш соҳасида танлов ва (ёки) тендер ўтказиш шартлари ва тартиботига риоя қилиш, ўтказиш, шартнома тузиш, лойиҳани амалга оширишда танлов шартларининг бажарилиши, ишлар (хизматлар) ни бажариш ва молиялаштириш жадвалларининг ижроси устидан мониторинг ўтказиш ва ислоҳотларни амалга ошириш” бўйича Республика комиссиясининг 1-сонли мажлис баённомасига кўра 2009 йил 6 февралдаги №05/23-16 сон қайд билан тасдиқланган тартибот маълумот учун қабул қилинсин. Ушбу тартиботга кўра танлов ва (ёки) тендерда умумий солик – ҚҚС тўловчиси ва Ягона солик тўловчиси қатнашган тақдирда – ғолиб буюртмачи томонидан аниқланган ҚҚС тўловисиз нарх асосида аниқланиши белгилаб қўйилсин.
- Танловларда пакет ҳужжатларини техник ўрганиш ва баҳоланиши натижалари бўйича танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаган талабгорлар таклифларини рад этиш ва танловдан четлаштиришни, бошланғич нархидан юқори берилган таклифларни кўриб чиқмаслик масаласи танлов комиссиясининг иш тартибига қабул қилинсин.
- Комиссия котиби зиммасига харид комиссиясининг қарорлари асосида қабул қилинган шарт ва талабларни танлов ҳужжатларига таркибига киритиш юклансин. Шарт ва талабларни инобатга олиб ушбу обьектлар бўйича ишлаб чиқилган танлов ҳужжатлари, уларнинг таркибидаги шакллар ва иловалар ҳамда уларни тақдим этиш бўйича қўйилган талаблар тасдиқлансин.
- Талабгорлар томонидан обьектлар бўйича тақдим этилган пакетлар эълонлар маҳсус ахборот порталида берилган кундан бошлаб камида 5 кундан кейин очилиши тасдиқлансин.
- Куидагилар буюртмачининг асосий талаблари этиб тасдиқлансин:
  - молиявий имкониятлари етарли, шартнома расмийлаштириш юзасидан фуқаролик муомила хукуқий ваколатга эгалиги;
  - тегишли ва ўхшаш соҳаларда ишларни бажариш бўйича тажриба ва малакага эга бўлган мутахассислари етарли бўлиши лозим;
  - агар танлов предмети ҳисобланадиган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият Ўзбекистон Республикаси норматив-хукуқий ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши керак бўлса, тегишли лицензияга (маълум иш турларини олиб боришга) эга бўлиши шарт;
  - курилиш ишларини бажариш бўйича камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши шарт;
  - танловларга охирги 3 йилда илгари бажарган ишларда ўз вақтида етказиб бериш бўйича шартномасидаги мажбуриятларни асоссиз бузган талабгорларнинг тўплаган баллари, яъни 1 ойдан 2 ойгача кечикирган бўлса балларидан 10 балл чегирилади, 2 ойдан 3 ойгача кечикирган бўлса – иш тажрибаси учун балл нолга тенглаштирилади, 3 ой ва ундан кўп муддатга кечикирган бўлса ёки охирги 3 йилда шартнома шартларини қўпол равишда бузган ташкилотларга буюртмачи ва фойдаланувчи ташкилотларнинг асослантирилган ишончсизлик хати тақдим этилган бўлса – танлов комиссияси оферент таклифини рад этиш хукуқига эга.
  - баҳолаш гуруҳи аъзолари оферентларнинг кўрсаткичларини баҳолашда оферентларнинг малака кўрсаткичларини батафсил ўрганиб чиқиб, оферентларнинг ишлаб чиқариш базалари, омборлари, курилиш техникаси ва кичик механизмлар тўғрисида 1-пакет ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга

мослигини, аввал бажарилган қурилиш объектларининг ўз вақтида фойдаланишга топширилганлигини, шунингдек, бошқарувчи ва муҳандис-техник ходимларнинг диплом ва меҳнат дафтарчалари ва бошқа хужжатларнинг нусхаларини ўрганиб чиқади;

- баҳолаш гуруҳи аъзолари танлов хужжатларида белгиланган техник жиҳатдан баҳолаш кўрсаткичлари жадвалини ҳамда 1-пакет хужжатларини баҳолаш варагини тўлдиради ва баённомасини комиссиянинг навбатдаги йиғилишига тақдим этади. Танлов хужжатларида белгиланган шартлар ва мезонларга кўра оферент объектда ишлатиш учун таклиф этган зарур қурилиш техникалари ўз балансида бўлса 1 коэффициент билан, агарда ушбу қурилиш техникалари ижарага олинган бўлса 0,5 коэффициент билан баҳоланади. Қурилиш техникасининг техник паспорти ксеронусхаси ва ижара шартномасининг нусхаси тақдим этилиши шарт;

- талабгор сифатида иштирок этаётган пудратчи ташкилотлар ишлаб чиқариш базалари, яъни оғислари (баҳоланишда - агар ўз балансида бўлса - 1,0 коэффициент билан, ижарада бўлса - 0,5 коэффициент билан баҳоланади), иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига эгалиги;

**10.** Талабгорларнинг 1-пакетидаги хужжатларини техник жиҳатдан баҳолаш натижаларига кўра 50 баллдан кам балл тўплаган оферентларнинг малакаси етарли эмас деб топилсин ва ушбу оферентлар танловдан четлаштирилсин.

**11.** Талабгор ташкилотнинг иш тажрибаси камида 3 йилни ташкил этиши зарур, иш тажрибаси 3 йилдан кам бўлган талабгорнинг таклифи кўриб чиқилмайди. Ҳар бир йиллик меҳнат тажрибаси учун 1 баллдан жами 10 баллгача баҳоланади.

**12.** Объектда ишларни якунлаш бўйича буюртмачи томонидан белгиланган муддатга нисбатан 10%дан кўпроқ муддат бўйича таклифлар кўриб чиқилмайди ва ушбу талабгор танловдан четлаштирилсин.

**13.** Талабгор инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган бўлса ёки ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомиллари юритилган бўлса ёки муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги бўлса, бундай талабгорлар танловдан четлаштирилсин.

Танлов ташкилотчиси танлов комиссияси қабул қилган қарорига асосан танлов хужжатларига тегишли маълумотлар киритсин.



Комиссия котиби:

М.Содикова  
Г.Қодирқулова  
Б.Абдуқулов  
Ў.Эргашев  
Ш.Бегимкулова  
Г.Ўрозбоева



2022 йил Жиззах вилоят Фаллаорол тумани худудидаги Вилоят Соғлиқни Сақлаш Бошқармаси Вилоят болалар Фтизиатрия сихатгохига жихозлар харид қилиш ишларини амалга оширувчи етказиб берувчилар ўртасида ғолиб ташкилотларни аниқлаш учун куйдаги ишларини амалга оширувчи қурилиштаъмирлаш пудрат ташкилотлари ўртасида ғолиб ташкилотларни аниқлаш мақсадида танловларни ташкил этиш бўйича

## **ТАНЛОВ КОМИССИЯСИННИГ ИШ ТАРТИБИ (РЕГЛАМЕНТИ)**

### **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Харид комиссиясининг иш тартиби “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, харид комиссиясининг танловларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида олиб борадиган иш тартибини белгилайди.

1.2. Мазкур регламентга танловлар предметини ҳисобга олган ҳолда харид комиссияси томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

1.3. Харид комиссияси коллегиал орган ва танловларнинг асосий қатнашчиси (танловларни ўтказиш жараёнинг доимий ёки вақтинчалик органи) ҳисобланиб, буюртмачи томонидан ташкил этилиб, буйруқ ёки бошқа расмий ҳужжат билан тасдиқланади, танловларни ўтказиш жараёнида пайдо бўладиган низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқишига ваколатлидир.

### **II. ХАРИД КОМИССИЯСИННИГ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

2.1. Харид комиссиясининг дастлабки йиғилиши танлов ҳужжатининг ишлаб чиқилиши жараёнида ўтказилиб, харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади:

- танлов ва талабгорларнинг малакасини олдиндан аниқлаш ҳужжатларини, ҳужжатларни маҳсус сайтга жойлаштириш шарт ва талабларини;

- таклифларнинг техник ва молиявий баҳолаш мезонларини;

- танловларда қатнашишга закалат тўлаш шакли ва миқдорини;

- офертани қабул қилишнинг охирги куни ва вақтини белгилайди, бунда *etender.uzex.uz* ахборот воситаларида эълон берилган кундан бошлаб 5 кундан эртароқ бўлмаслиги шарт;

2.2. Танлов таклифларининг техник ва молиявий баҳолашнинг тавсиявий мезонлари 2-иловада келтирилган.

2.3. Техник ва молиявий баҳолаш мезонлари иш тури, таклиф қилинган нархлар ва бажариш муддатларидан келиб чиқиб ҳар бир объект бўйича алоҳида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

2.4. Харид комиссияси қайсиdir бир танловлар қатнашчисига устунлик берувчи танлов таклифларининг баҳолаш мезонларини белгилашга ҳақли эмаслар.

2.5. Харид комиссияси навбатдаги йиғилишларида танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ талабгорларнинг ҳужжатларини ўрганади, текширади ва кўриб чиқади, танлов ғолибини аниқлайди ёки бошқа қарор қабул қиласди;

2.6. Харид комиссиясининг ҳар бир йиғилишларида комиссия раиси томонидан тасдиқланадиган ва иштирок этган барча комиссия аъзолари имзо чекадиган баённомалар юритилади.

2.7. Харид комиссияси таркибига буюртмачининг қарори билан комиссия котиби киритилиши мумкин, унинг мажбуриятларига харид комиссиясининг ишчи ҳужжатларини расмийлаштириш киради, бунда комиссия котиби мустақил овоз бериш хукуқига эга эмас.

2.8. Қоидага кўра, харид комиссиясининг котиби этиб танлов ташкилотчиси тайинланади.

### **III. ТАРКИБИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА БАҲОЛАШ**

3.1. Харид комиссиясининг йиғилишлари қуидаги тартибда амалга оширилади:

- барча талабгорларнинг хужжатлари харид комиссияси томонидан тасдиқланган танлов хужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- хужжатларни ўрганиш давомида, уларнинг таркиби ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда уларнинг кўриниши буюртмачи томонидан тасдиқланган танлов хужжатларининг шартларига мос келиши керак.

3.2. Агар бирон бир хужжат мавжуд бўлмаси ёки нотўғри расмийлаштирилган бўлса, танлов хужжатлари рад этилади ва ушбу талабгор танловдан четлаштирилади.

3.3. Таклифлар таркибини ўрганиш оферентлар ёки уларнинг ваколатли вакилларининг иштирокисиз, тасдиқланган мезонлар асосида ўрганиб чиқилади.

3.4. Харид комиссияси ўзининг таркибидан оферентларнинг малака кўрсаткичларини баҳоловчи ишчи гуруҳини тузади, шу билан бирга ишчи гуруҳининг фаолиятига зарур бўлган ҳолларда мустақил экспертларни таклиф этади.

3.5. Баҳолаш гуруҳлари ёки мустақил экспертларга пакетлар таркибини ўрганиш бўйича аник муддатлар белгиланиб, таклиф киритиш ҳақида топшириклар берилади.

3.6. Таклифлар таркибини ўрганиб бўлгандан сўнг, баҳолаш гуруҳининг тавсияларини Харид комиссияси оддий овозга кўйиш усули билан қарор қабул қиласи, баҳолаш гуруҳининг тавсияларига розилик билдирилмаган ҳолларда, харид комиссияси баҳолаш гуруҳига хужжатларни қўшимча ўрганиш топширигини ёки комиссия аъзоларининг ҳар бири мустақил равишда танлов таклифларининг баҳолаш варакларини ва яқуний баҳолаш жадвалларини тўлдириш бўйича қарор қабул қилиш мумкин.

3.7. Агар оферентнинг офертаси кейинги босқичларга ўтиши учун техник баҳолаш натижалари бўйича комиссия аъзоларининг кўпчилик овози маъқулланса, танлов комиссиясининг қарори ижобий ҳисобланади.

3.8. Харид комиссиясининг овозга кўйиш натижалари ҳақидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этишга йўл қўйилмайди.

3.9. Ҳар бир офертанинг кейинги босқичларга ўтиши кўпчилик овоз билан ҳал қилинади, агар овозлар тенг бўлганда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. пакетларни очиш, ҳамда голибни аниқлашда ёки комиссия аъзоларини бошқа хulosса ва қарорлари овоз бериш усули орқали амалга оширилади.

3.10. Оферентларнинг техник малакасини баҳолаш натижалари бўйича Харид комиссиясининг қарори, комиссия раиси томонидан қуидаги тартибда эълон қилинади:

- хужжатларини ўрганиш учун рухсат этилган талабгорларнинг рўйхати;
- дисквалификация ёки инкор этилган талабгорларнинг рўйхати.

## VII. ТАКЛИФЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, БАҲОЛАШ ВА ТАНЛОВЛАР ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ

4.1. Харид комиссиясининг йиғилишларида қуидаги тартибда амалга оширилади:

- барча оферталарнинг таклифлари харид комиссияси томонидан тасдиқланган танлов хужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- уларнинг таркиби ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда кўриниши буюртмачи томонидан тасдиқланган танлов хужжатларининг шартларига мос келиши керак;

- талабгорларнинг танловлар предмети бўйича таклиф қилган нархи ва ишларни бажариш муддати эълон қилинади;

- буюртмачи томонидан белгилangan танлов предметининг бошланғич нархи ва ишларни бажариш муддати эълон қилинади;

-харид комиссияси аъзоларидан оферентларнинг молиявий кўрсаткичларини баҳоловчи ишчи гуруҳ тузилади ва улар томонидан танлов хужжатларининг техник қисмидаги физик иш ҳажмлари ва ресурсларига мувофиқлигини ўрганиб чиқиб, харид комиссиясига ўз хulosасини тақдим этадилар;

- арифметик хатолар текширилади;

4.2. Ҳар бир офертани очиш, унинг таркибининг тўлиқлиги текшириш кетма-кетликда амалга оширилади. Танловлар предметининг бошланғич нархи ва ишларни бажариш муддати, талабгорларнинг нарх бўйича таклифлари эълон қилингандан сўнг ошкор этилади.

4.3. Таклифларнинг таркибини ўрганиб чиқиш ва баҳолаш оферентлар ёки уларнинг ваколатли вакилларининг иштирокисиз амалга оширилади.

4.4. Таклифлар таркибини ўрганиб бўлгандан сўнг, баҳолаш гуруҳининг тавсияларини харид комиссияси оддий овозга кўйиш усули билан қарор қабул қиласи, баҳолаш гуруҳининг тавсияларига розилик билдирилмаган ҳолларда, харид комиссияси баҳолаш гуруҳига таклифларни қўшимча ўрганиш топширигини ёки комиссия аъзоларининг ҳар бири мустақил равишда танлов таклифлари бўйича қарор қабул қилиш мумкин.

4.5. Талабгорларнинг Малакавий кўрсаткичлари бўйича тўплаган баллари, ишлар(хизматлар) бўйича таклиф этилган нарх ҳамда муддат бўйича таклифлари маҳсус интерполяция программасига киритилади. Энг катта балл тўплаган оферент танлов комиссияси аъзолари ўтказилган овоз бериш натижаларига асосан ғолиб деб топилади. Оферталарда таклиф этилган нархни ўзгартириш юзасидан музокаралар олиб бориш тақиқланади.

4.6. Танловларнинг туридан қатъи назар, танлов ғолиби харид комиссиясининг ёпиқ мажлисида аниқланади. Танлов комиссияси ғолибларни энг кўп рақобатли нархлар, етказиб бериш ва ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) шартлари, тўлов ҳамда танлов шартларида белгиланган бошқа мезонлар бўйича аниқлайди.

Харид комиссиясининг овозга қўйиш натижалари ҳақидаги маълумотлар маҳфий ҳисобланади ва ошкор этишга йўл қўйилмайди.

4.7. Танлов ғолибини аниқлаш бўйича харид комиссиясининг қарори, комиссия раиси томонидан оферентларнинг ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирокида эълон қилинади. Иштирок этмаган оферентлар танлов ташкилотчиси томонидан ёзма равишда хабардор қилинади.

4.8. Комиссия томонидан келиб тушган таклифларга нисбатан қабул қилинган қарори якуний ҳисобланади. Танлов тартиботидан келиб чиққан келишмовчиликлар ва низолар, буюртмачи, харид комиссияси, танлов ташкилотчиси ёки танлов бошқа қатнашчиларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлик) ва қарорлар юзасидан шикоятлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

## V. ХАРИД КОМИССИЯСИННИГ ҲУҚУҚЛАРИ

5.1. Харид комиссияси талабгор (оферент)дан унинг малака маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни хужжатли шаклда тақдим этишни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. Харид комиссияси ўзининг қарори билан қуидаги холларда талабгорни (оферент) бундан кейин танлов тартиботида қатнашишдан четлатишга ва оферталарни кўриб чиқмасдан қайтариб беришга хуқуқлидир:

- агар танлов предмети ҳисобланадиган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият Ўзбекистон Республикаси норматив-хуқуқий хужжатларига мувофиқ лицензияланиши керак бўлсада, тегишли лицензияга эга бўлмаса (лойиҳа ишларини ёки бошқа турдаги ишларни олиб боришга лицензияга эга бўлмаса);

- ишларни бажариш бўйича камидан 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлмаса;

- таклиф хужжатларида Ўзбекистон Республикаси норматив-хуқуқий хужжатлар талаблари бузилганда, танлов хужжатлари талаблари ёки малака маълумотлари тўғрисида нотўғри ахборот аниқланганда;

- талабгор қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган ва мулки хатлаб қўйилган бўлса;

- таъсис хужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бiri билан бевосита ташкилий-хуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган бўлса;

5.3. Харид комиссияси танлов хужжатларининг эълон қилинган шартларга номувофиқлигини ёки офертани расмийлаштиришдаги ноаниқликларни улар бошқа қатнашчиларининг рейтингига таъсир кўрсатмайдиган ва уларга йўл қўйган танлов қатнашчисига устунлик бермайдиган холларда эътиборга олмаслиги мумкин.

5.4. Харид комиссияси танлов иштирокчиларида танловни ўтказиш жараёнида келиб чиққан маълум эътиroz ва шикоятларни, унга ечим ва жавобларни 10 кун муддат ичida тайёрлашга ҳақлидир. Танловларни ўтказиш жараёнига боғлиқ келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.5. Харид комиссияси оферент томонидан офертанинг мазмунини тушунтириб берилишига йўл қўйишга хуқуқлидир.

Бунда офертанинг мазмунини, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

5.6. Агар таклифлар бериш муддати тугаган вақтда танлов иштирокчиларида танлов хужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камидан иккита таклиф олган бўлса, танлов ўтказилган деб топилади.

Танлов иштирокчиси таклифининг техник қисми баҳоланади, бунда 50 баллдан юқори балл тўплаган талабгорларнинг баллари ҳамда нарх ва муддат бўйича таклифлари маҳсус интерполяция программасига қўйилади. Программа танлов ғолибини аниқлаб беради.

Агар таклифларни кўриб чиқиши натижалари бўйича харид комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф танлов хужжатлари талабларига мувофиқ келса, танлов ўтказилмаган деб топилади.

5.7. Танловларнинг ўтказилмаган деб эълон қилиниши харид комиссиясига мулкий ёки бошқача тусдаги хуқуқий жавобгарлигига олиб келмайди.

5.8. Харид комиссияси танлов жараёнидаги саволлар бўйича исталган қарорларни қабул қилишга ҳақлидир, агар улар белгиланган хукуқий база билан асосланган бўлса.

## **VI. ХАРИД КОМИССИЯСИННИГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

### **6.1. Харид комиссияси:**

- талабгор (оферент)дан унинг малака маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни ҳужжатли шаклда тақдим этишнинг асосиз талаб қилиниши;
- талабгорларнинг ўз интеллектуал мулки ёки тижорат сирини муҳофаза қилишга бўлган хукуқи бузилганлиги;
- талабгорлар (оферентлар)нинг малака маълумотларига нисбатан танлов ҳужжатларида назарда тутилмаган мезонлар ва талаблар белгиланганлиги;
- танловда қатнашишга:
  - муассислик ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-хукуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг;
  - қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш) тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган талабгорларнинг қўйилганлиги;
  - солик имтиёзларини тақдим этадиган ёки молиявий операцияларни амалга оширишда ахборотни ошкор қилишни ва тақдим этишни назарда тутмайдиган (оффшор худудлар) давлатлар ва худудларда рўйхатдан ўтган, шунингдек оффшор худудларида жойлашган банклардаги хисоб рақамли норезидентларнинг;
  - танловларга эълон берилишига қадар 3 йил муддатдан кам бўлган муддатда таъсис этилган ташкилотларнинг;
    - талабгор (оферент)нинг танлов тартиботида қатнашишдан асосиз равишда четлатилганлиги;
    - Танловларнинг бошқа қатнашчилари рейтингига таъсир қилмайдиган, уларга йўл қўйган танлов қатнашчисига устунлик бермайдиган ҳолларда танлов ҳужжатларининг эълон қилинган шартларга ёки офертани расмийлаштиришдаги ноаниқликларга номувофиқлиги эътиборга олинганлиги;
    - оферта мазмунини ўзгартирадиган тушунтиришлар ва тузатишларга йўл қўйилганлиги, шу жумладан нархлар ёки бажариш муддати ўзгартирилганлиги;
    - офертани харид комиссияси мажлисида кўриб чиқиши давомида оферентнинг тушунтириш беришига асосиз равишда йўл қўйилмаганлиги;
    - ахборотнинг ошкор қилинганлиги, савдолар қатнашчиларининг ўзаро ёки жалб этилган мутахассислар билан келишувига йўл қўйилганлиги, шунингдек қонунга зид бошқа хатти-харакатлар қилинганлиги;
    - танлов ғолибининг харид комиссиясининг очиқ мажлисида аниқланганлиги, танлов ғолибини эълон қилиш тартиботи бузилганлиги, иштирок этмаган қатнашчиларнинг ўз вақтида хабардор қилинмаганлиги;
    - танлов тартиботининг бошқача бузилишлари учун жавоб беради.

## **VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

7.1. Мазкур иш тартиби танлов ҳужжатининг ажралмас қисмидир ва харид комиссияси томонидан кўриб чиқилган ва буюртмачи тасдиқлаган вақтдан бошлаб кучга киради.

T/p	Талаб номи	Тасдиқловчи хужжат	максимал балл (100) балл)	Изоҳ
1	Талабгор инсоғиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган бўлса ёки талабгор қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тутатиш ёки банкротлик босқичида бўлса ва мулки хатлаб кўйилган бўлса	Сайт ва тақдим этган бухгалтерия хисоботлари	1	Мавжуд холатлар аникланса талабгор танловдан четлаштирилади
2	Соликлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги хакида маълумот.	Солик ва Банкдан маълумотнома	14	Тақдим қилмаган талабгор четлаштирилади
3	Талабгор ташкилотнинг 3 йиллик иш тажрибасига эга эканлиги	Гувохнома нусхаси, ўхшаш обьектлар бўйича тузган шартномаси , ишларни бажариш хисоботлари (ф-2, Ф-3) ёки обьектларни фойдаланишга топшириш далолатномалари	15	Гувохнома (бир йиллик иш стажи) учун 1 баллдан (Максимал 15 балл)
4	Ташкилотда фаолият юритувчи ишчи-ходимлар сони	Маълумотнома (Ф.И.Ш., лавозими хамда иш тажрибаси) тут.mehnat.uz дан ўтганилигини тасдиқловчи штрыйх коди билан бирга бўлиши шарт	15	20 ва ундан ортик ишчи ходимлари бор талабгорга 15 балл берилади, кейинги талабгорларнинг баллари интерполяция оркали аникланади (талабгор аввалги обьектларда голиб бўлса ишчи-ходимлар сони камайтириб хисобланади)
5	Етказиб бериш ишларини бажариш учун зарур техникалари ва ўрнатиш ишларини бажариш учун кичик механизмларга эга эканлиги бўйича	Асословчи хужжатлар (техпаспорт нусхалари, ижара шартномаси)	15 (Зта курилиш техникаси учун 10 балл, камидা 15 дона кичик механизм учун 5 балл)	Зарур техникалари балансда бўлса коэффициент-1,0 билан, ижарада бўлса коффициент- 0,5 билан хисобланади
6	Молиявий кўрсаткичлари	Баланс, Шартнома, бажарган ишлари хисоботлари (Ф-2, Ф-3) ёки обьектларни фойдаланишга топшириш далолатномалари	15	Катта кўрсаткичга эга талабгор 15 балл билан, кейинги кўрсаткичга эга талабгорларнинг баллари интерполяция оркали хисобланади
7	Талабгорнинг асосий воситаларга (офис, база, омборлар, ишлаб чиқариш цехлари, автогараж ва х.к. ) эгалиги	Тасдиқланган маълумот	10	Катта кўрсаткичга эга талабгор 10 балл билан, кейинги кўрсаткичга эга талабгорларнинг баллари интерполяция оркали хисобланади

7	Объектга товарларни ўз вақтида етказиб беришга бўйича Кафолат хати, Коорупция ҳолатига йўл қўймасликка маълумотнома	Асословчи хужжат	<b>15</b>	
---	---	------------------	-----------	--